

Саудия Арабистони- Риёз

Раёва маҳалласи диний

тарғибот идораси

2009-1430

islamhouse.com

Риёзус-солиҳин дарслари

Таҳорат фазилати ҳақидаги боб.

[Ўзбекча]

Абу Абдурахмон Насафий

Мухарир: Шамсиддин Дарғомий

islamhouse.com нинг барча маълумотларини нашр қилиш ҳуқуқи чекланмаган.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

باب فضل الوضوء

Таҳорат фазилати ҳақидаги боб

قال الله تعالى: " يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ
وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ
أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُم مِّنَ الْغَائِطِ أَوْ لَامَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا
بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ مِنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهَّرَكُمْ وَلِيُتِمَّ
نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ " (المائدة: 6)

Азиз ва мухтарам мусулмон биродарлар! Оллоҳ таъоло ушбу ояти-каримада таҳорат ҳақида шундай марҳамат қилади: "Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (*яъни нам қўлларингиз билан силангиз*) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз! Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз! Агар бемор ё мусофир бўлсангиз ёки сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва (*мазкур ҳолатларда*) сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилингиз (*яъни юзингиз ва қўлларингизни покиза тупроқ билан силангиз*). Оллоҳ сизларга машаққат қилмоқни истамайди, балки сизларни поклашни ва шукр қилишларингиз учун сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди." (*Моида:6*)

وعن أبي هريرة رضي الله عنه قال : سمعت رسول الله صلى الله علي ه وسلم يقول : إن أمتي يدعون يوم القيامة غراً محجلين من آثار الوضوء فمن استطاع منكم أن يطيل غرته، فليفعل متفقاً عليه.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилиб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Умматим Қиёмат куни таҳорат нишонлари сабабли юзлари ва қўл-оёқлари оппоқ нур бўлган ҳолда чақирилади, қайсиларингиз мана шу оппоқ нурни узун қилишга қодир бўлса, қилсин деганларини эшитдим -дейдилар. (*Муттафақун алайҳ*)

Шарҳ:

Азиз биродарлар! Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу ҳадисдаги (умматим) деган сўзларида уммати-ижобат бўлмиш мусулмонлар назарда тутилмоқда.

(يُدْعُونَ) деган сўзларининг маъноси ё чақириладилар дегани ёки номланадилар дегани. Араб тилидаги (Ғурра) калимаси аслида от пешонасидаги оқ қашқа бўлиб, кейинчалик гўзаллик тимсоли, шон-шуҳрат ва яхши ном билан эсланиш маъносида ишлатилган; ушбу ҳадисдаги маъноси эса, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам умматининг юзларида бўладиган нурдир. Яъни бу уммат ушбу гўзал сифат билан сифатланган ҳолда қиёмат куни барча халойиқнинг кўз олдига шу сифат билан чақирилади. (Таҳжил) калимаси эса, аслида отнинг оёқларидаги оқ ранг бўлиб, бу ҳадисда нур маъносида ишлатилган. Ислому уммати бошқа умматлардан таҳорат аъзоларидаги мана шу нур билан ажралиб туради. Ҳадисдаги (ғурра ва таҳжил) калималари нур маъносида келганлиги учун ҳам, ушбу ҳадисда фақат ғуррани зикр қилинди. Абу Ҳурайрадан ҳадисни ривоят қилган Нуъайм роҳимахуллох: "Ҳадисдаги: (فمن استطاع منكم أن يطيل غرته، فليفعَل) яъни: қайсиларингиз мана шу оппоқ нурни узун қилишга қодир бўлса, қилсин -деган жумла пайғамбаримизнинг гапларими ёки Абу Ҳурайраникими билмайман."-дейдилар. Ибн Ҳажар роҳимахуллох: "Бу жумла шу ҳадисни ривоят қилган ўнта саҳобийдан бирортасининг ривоятида йўқ, шунингдек Нуъаймдан бошқа Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ровийларнинг ривоятида ҳам йўқ."-деган эканлар. (*Фатҳул-Борий, Ибн Ҳажар*) Шунинг учун ҳам Ибн Қоййимга ўхшаш баъзи уламолар бу жумла Абу Ҳурайрининг гапларидан бўлиб, ҳадисга (мудраж) қилинган, яъни ҳадисга киргизилган дейдилар. Абу Ҳурайра розияллоху анху ушбу: "...қайсиларингиз мана шу оппоқ нурни узун қилишга қодир бўлса, қилсин." -деган жумла ни таҳоратда ювилиши лозим бўлган миқдордан зиёда қилиш деб таъвил қилиб, таҳорат қилаётганда болдирларининг ярми ва елкаларигача ювар эдиларда: "Мен нурумни узун қилишни ёқтираман." - дер эдилар. Баъзида: "Бу тақинчоқ ўрни." – дер эдилар.

وعنه قال: سمعت خليلي صلى الله عليه وسلم يقول: تبلغ الحلية من المؤمن حيث يبلغ الوضوء رواه مسلم.

Яна Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилиб: "Халилим соллаллоху алайҳи ва саллам: "Тақинчоқ мўмин кишининг таҳоратда сув етган ўринларига етади." - деганларини эшитдим." –дейдилар. (*Муслим ривояти*)

Шарх:

Қиёмат кунида эркагу-аёл ҳаммалари олтин, кумуш ва марварид тақинчоқлар тақишар экан. Оллоҳ таъоло бу ҳақида Инсон сурасида шундай марҳамат қилади: "Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безангандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир. (*Инсон: 21*) Ҳаж сурасида эса: "Албатта Оллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга дохил қилур. Улар у жойда олтиндан бўлган билакузуклар ва марварид-маржонлар билан безанурлар, либослари эса ҳарир-ипак бўлур."-дейди. (*Ҳаж: 23*) Ушбу оятлар жаннатдаги ҳар бир эркагу-аёл мана шу

уч турдаги тақинчоқлар билан безаниши ва бу тақинчоқлар таҳоратда ювиладиган аъзолардан сув теккан ўринларгача етиб боришига далолат қилади. Демак инсоннинг билаклари олтин, кумуш ва марварид тақинчоқлар билан тўлиқ безатилар экан. Бу эса ўз-ўзидан таҳоратнинг фазилати нақадар буюк эканлигини яққол намоён қилади. Оллоҳ таборака ва таъолодан ҳаммамизни жаннат аҳлидан қилишини ва унга киришга сабаб бўладиган барча эзгу-амалларни қилишга муваффақ қилишини сўраб қоламиз.

وعن عثمان بن عفان رضي الله عنه قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : من توضأ فأحسن الوضوء، خرجت خطاياها من جسده حتى تخرج من تحت أظفاره رواه مسلم.

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ривоят қилиб айтадилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кимда-ким таҳорат қилиб, уни аъло даражада амалга оширса, унинг гуноҳлари жасадидан, ҳаттоки тирноқлари остидан чиқиб кетади."—деганларини эшитдим. *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Демак таҳорат қилиш инсон гуноҳлари тўкилишига сабаб бўлар экан; бу эса, нафақат қўлу-оёқлар, балки унинг тирноқ остиларига ўхшаш нозик ўринларидан ҳам гуноҳлари тўкилишига олиб келар экан. Бу каби ҳадислар таҳоратнинг нақадар улуғ бир ибодат эканига далолат қилади. Шундай экан, бу улуғ ибодатни қилаётган вақтда мўмин киши қўйидаги нарсаларни ҳис қилиши керак бўлади:

1. Бу билан Оллоҳ таъолога қурбат ҳосил қилаётганини ҳис қилиши керак.
2. Таҳорат қилаётганда Оллоҳ таъолонинг: "Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (*яъни нам қўлларингиз билан силангиз*) ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз!"-деган раббоний бўйруғига бўйсунётганини ҳис қилиши керак.
3. Таҳорат қилаётганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашаётганини ҳис қилиш.
4. Оллоҳ таъолодан қилаётган таҳоратига буюк ажру-савобларни ато этишини исташи ва шунга ўта ташна бўлиши керак. Ҳолбуки таҳорат фазилати ва унинг ажру-савоблари ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

وعنه قال : رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم توضأ مثل وضوئي هذا ثم قال : من توضأ هكذا، غفر له ما تقدم من ذنبه، وكانت صلاته ومشيه إلى المسجد نافلاً رواه مسلم.

Яна Усмон ибн Аффон розияллоху анху ривоят қилиб айтадилар: Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менинг таҳоратимдек таҳорат қилганларини кўрдим, сўнгра шундай дедилар: "Ким таҳоратни худди шундай қилса, унинг ўтган гуноҳлари кечиради ва намози ва масжидга бориши нафл бўлади." (*Муслим ривояти*)

Шарҳ:

Азиз ва мухтарам мусулмон биродарлар! Ислом уммати бурунги бошқа умматлардан фарқли ўлароқ умри қисқа бўлишига қарамасдан қиладиган озгина солиҳ амалига жуда катта ажру-мукофотлар олар экан. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда: "Ким таҳоратни худди шундай қилса, унинг ўтган гуноҳлари кечиради ва намози ва масжидга бориши нафл бўлади."-дедилар. Бошқа ҳадисда эса: "Беш вақт намоз шу намозлар ораларидаги гуноҳларга каффорат бўлади."-дедилар. Яна бошқасида: "Модомики катта гуноҳлардан четланилар экан беш вақт намоз ва Жума кейинги Жумагача ва Рамазон кейинги Рамазонгача қилинган гуноҳларга каффорат бўлади."-деган эканлар.

Агар бирон киши: "Таҳорат гуноҳларга каффорат бўлади –дейилса, намоз нималарга каффорат бўлади? Бордию, намоз гуноҳларга каффорат бўладиган бўлса, Жумалар ва Рамазонлар нималарга каффорат бўлади? Шунингдек Арафа куни рўза тутиш икки йилга каффорат, Ошуро куни рўза тутиш бир йилга каффорат бўладиган бўлса, яна кимнинг омин деб дуо қилиши фаришталарнинг омин деганига мос келса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилишигига сабаб бўлса, буни қандоқ тушунмоқ лозим-деб эътироз билдирса, нима деб жавоб берилади? Бунга жавобни имом Нававий (Саҳиҳ Муслим) шарҳида шундай зикр қиладилар: "Уламолар айтишларича мазкур нарсалардан ҳар бири гуноҳларга каффорат бўлишга ярайди. Агар каффорат қиладиган сағийра гуноҳлар топилса, ўшаларга каффорат бўлади, агар кабийра ва сағийра гуноҳлар топилмаса, мазкур нарсалар сабабли ҳасанотлар ёзилиб, даражалар кўтарилади. Агар кабийра гуноҳлар учрайдиган бўлсаю, сағийра гуноҳлар топилмаса, ўша кабийра гуноҳларни енгиллатади деб умид қиламиз. Валлоху аълам." (*Саҳиҳ Муслим шарҳи, Нававий*) Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг ушбу ҳадисдаги: "...ва намози ва масжидга бориши нафл бўлади."-деган сўзларининг маъноси кўйидагича: Яъни унинг ўқийдиган намози ва масжидга юриб бориши таҳорат аъзоларига боғлиқ бўлган гуноҳларнинг каффорат бўлишига кўшимча бўлар экан. Агар бошқа аъзоларнинг гуноҳлари бўлса, ўшаларга каффорат бўлади, бўлмаса, унда даражаларининг баланд бўлишига сабаб бўлади. (*Синдийнинг Ибн Можгага ёзган ҳошиясидан*)

وعن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال : إذا توضأ العبد المسلم - أو المؤمن - فغسل وجهه، خرج من وجهه كل خطيئة نظر إليها بعينه مع الماء، أو مع آخر قطر الماء،

فإذا غسل يديه، خرج من يديه كل خطيئة كان بطشتها يداه مع الماء، أو مع آخر قطر الماء، فإذا
غسل رجله، خرجت كل خطيئة مشتها رجلاه مع الماء، أو مع آخر قطر الماء، حتى يخرج نقياً من
الذنوب رواه مسلم.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилишларича: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деган эканлар: "Муслим (ёки мўмин) банда таҳорат қилиб, юзини ювса, унинг юзидан икки кўзи билан қараб қилган барча гуноҳлар сув билан (ёки охирги қатра сув билан) чиқиб кетади. Икки қўлини ювса, улардан қўллари билан қилган барча гуноҳлари сув билан (ёки охирги қатра сув билан) чиқиб кетади. Икки оёғини ювса, оёғлари билан юриб қилган барча гуноҳлари сув билан (ёки охирги қатра сув билан) чиқиб кетади. Ҳатто гуноҳлардан покиза ҳолда чиқади." *(Муслим ривояти)*

Шарҳ:

Бу ҳадиси шариф ҳам таҳорат амалининг фазилатига далолат қилади. Ҳадисдаги: "Муслим (ёки мўмин) банда..." ва "...сув билан (ёки охирги қатра сув билан)..."-деган жумлалар ҳадисни ривоят қилган ровий тарафидан қилинган шакдир, чунки Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам биринчи жумлада ё "муслим" деганлар ёки " мўмин ", иккинчи жумлада эса, ё "сув билан" ёки "охирги қатра сув билан" деганлар. Валлоху аълам. Ушбу муборак ҳадисда: "Муслим (ёки мўмин) банда таҳорат қилиб, юзини ювса, унинг юзидан икки кўзи билан қараб қилган барча гуноҳлар сув билан (ёки охирги қатра сув билан) чиқиб кетади...дейилиб, буни мўмин-мусулмонларга хосланди, чунки кофир кишининг қилган таҳорати биронта ҳам гуноҳига каффорат бўлмайди. *(ал-Мунтақо Муваддонинг шарҳи)*

Азиз ва муҳтарам биродарлар! Мана шу ҳадис билан ушбу дарсимизни якунлаймиз ва Оллоҳ таъоло хоҳласа, келгуси дарсимизда (Таҳорат фазилати ҳақидаги боб)да зикр қилинган бошқа ҳадисларнинг шарҳларини давом эттирамиз.

﴿ دروس رياض الصالحين ﴾

باب فضل الوضوء

« باللغة الأوزبكية »

أبو عبد الرحمن النسفي

مراجعة: شمس الدين درغامي

حقوق الطبع والنشر لعموم المسلمين